
ФАРҒОНАДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ, БИРЛАШАЙЛИК!” ШИОРИ ОСТИДА КАТТА ГАЛА-КОНЦЕРТ ЎТКАЗИЛДИ

30 июнь - Ёшлар куни муносабати билан ўтказилаётган “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги “Ёшлар фестивали” вилоятимизда ҳам юқори савияда, кўтаринкилик билан ташкил этилди.

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги театр-концерт саройи очик саҳнида катта гала-концерт бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирни вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев кириш сўзи билан очдилар ва вилоятимиз ёшларини яқинлашиб келаётган байрам билан табриклаб, мамлакатимизда улар учун яратилаётган улкан имкониятлар ҳақида тўхталдилар. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган бугунги давлат сиёсати замирида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик мужассам эканига эътибор қаратилиб, фарғоналик ёшлар ҳам бу юксак ишонч ва имкониятларга муносиб бўлиб, келажакда халқимиз, Ватанимиз манфаатлари ҳамда унинг бахт-саодати йўлида бор куч-ғайратлари, билим ва салоҳиятларини сафарбар этишларига тилак билдирилди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган, ҳар жабҳада илғор, ўз тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшларга вилоят ҳокимининг ташаккурномалари ва эсдалик совғалари топширилди.

Концерт дастури давомида ёшларга берилаётган имкониятлар, уларнинг бандлигини таъминлаш учун амалга оширилган ишлар, йўналтирилган маблағлар ҳақида маълумотлар берилди. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, даромад топаётган ёшлар томонидан дил изҳорлари акс этган видеоролик ҳам намойиш қилинди.

“Беном”, “Божалар” гуруҳлари, Шоҳруҳхон, Шоҳруҳ рэп каби таниқли эстрада юлдузлари, “Браво” жамоаси аъзолари ҳамда вилоятимизнинг эл суйган санъаткорларининг мусиқий чиқишлари, жозибали рақслар кечага янада файз киритди.

Концерт дастурини фарғоналик минглаб ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари катта иштиёқ билан томоша қилдилар.

Яқунда намойиш этилган мушакбозлик эса тадбир иштирокчиларига янада ҳуш кайфият улашди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-21 23:35:12